

А Ж Р И М

(ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида)

2025 йил сентябрь ойининг “3” куни жиноят ишлари бўйича Ўзбекистон туман суди, Ўзбекистон тумани Ражабгарди м.ф.й. биносидида, сайёр суд мажлисида, раислик қилувчи Ш.Мирзакиров, Ф.Қосимовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Ўзбекистон туман прокурори О.Собиров, судланувчи А.Сайдалиев ва унинг ҳимоячиси “Мир Саид Барака Ҳимоя” адвокатлик фирмаси адвокати Ж.Тожибоев, жабрланувчи А.Пўлатовларнинг иштирокида,

Сайдалиев Аъзамжон Мансурович (Saydaliyev A'zamjon Mansurovich), 1986 йил 22 декабрда Ўзбекистон туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, муқаддам судланмаган, оилали, 2 нафар фарзанди бор, мавсумий ишчи, Ўзбекистон тумани, Ражабгарди м.ф.й., Тинчлик кўчаси, 2-уйда яшайди, иш бўйича муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 2025 йил 19 августда олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан судланувчига оид 1-1504-2501/206-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи А.Сайдалиев 2025 йил 22 июнь куни соат 10:30 ларда ўзининг бошқарувидаги “Кобалт” русумли 40 F 441 LB давлат белгилли автомашинасини Ўзбекистон тумани “Яйпан-Қўқон” автомашина йўли бўйлаб бошқариб Қирққетмон қишлоғи ҳудудига етиб келганида амалдаги “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 59-бандида кўрсатилган “Релсиз транспорт воситасининг ҳайдовчиси йўлнинг чорраҳадан ташқари жойида чапга бурилиш ёки қайрилиб олишда қарама-қарши йўналишда ҳаракатланаётган транспорт воситаларига ва бир йўналишдаги трамвайга йўл бериши шарт. Чорраҳадан ташқаридаги қатнов қисмининг кенглиги четки чап ҳолатдан қайрилиб олиш учун етарли бўлмаса ушбу манёврни қатнов қисмининг ўнг четидан (йўлнинг ўнг ёқасидан) амалга ошириш мумкин. Бу ҳолда ҳайдовчи бир йўналишдаги ва қарама-қарши йўналишдаги транспорт воситаларига йўл бериши шарт”, деган талабларни қўпол равишда бузиб, қарама-қарши йўлда ўзининг йўналишида ҳаракатланиб келаётган А.Пўлатовнинг бошқарувидаги Скутерни ўтказиб юбормасдан унинг йўлига чиқиб юбориб, йўл-транспорт ҳодисасини содир этган. Натижада, Скутер ҳайдовчиси А.Пўлатов тан жароҳати олиб шифохонага мурожаат қилган.

Суд-тиббий экспертизасининг 2025 йил 30 июндаги № 3808-сонли хулосасига кўра, А.Пўлатовда тос ўнг ёнбош суягини қанотидан чизиқли синиши, ўнг қўл 3-4-бармоқларида шилинмалар, чап тизза бўғими соҳасини



юмшоқ тўқималарини лат ейиши каби тан жароҳатлари бўлиб, бу тан жароҳатлар ўрта оғир тан жароҳатлар тоифасига киришлиги аниқланган.

Судланувчи А.Сайдалиевга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан юритилган жиноят иши айблов далолатномаси билан айблилик масаласини ҳал қилиш учун судга юборилган.

Судланувчи А.Сайдалиев суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини тақдим қилиб, айбига ўз ихтиёри билан тўлиқ иқрор эканлиги, қилмишидан пушаймонлиги, содир этган қилмишининг оқибатларини англаганлиги, жабрланувчи ва фуқаровий даъвогарга етказилган зарарни тўлиқ қоплаганлигини, ҳозирда жабрланувчи ва фуқаровий даъвогар билан бирон-бир тазйиксиз ярашиб олганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Жабрланувчи А.Пўлатов суд мажлисида ярашув тўғрисида ариза тақдим этиб, ушбу аризасини қувватлаб, А.Сайдалиевга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, соғлиғига етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганлигини, аризани ўз хоҳиши билан ёзганлигини, унга нисбатан ҳеч ким тазйик ўтказмаганлигини, ярашув суд томонидан тасдиқланганидан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини ҳаракатдан тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ЖКнинг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд, жабрланувчи А.Пўлатов ва судланувчи А.Сайдалиевнинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, Ўзбекистон туман прокурори О.Собиров, ҳимоячи Ж.Тожибоевнинг жиноят ишини ярашганлик муносабати тугатиш ҳақидаги фикрларини эшитиб, судланувчи А.Сайдалиевнинг айбига ихтиёрий иқрорлиги ва етказилган зарарнинг тўлиқ қопланганлиги, жабрланувчи ва судланувчига бирон-бир тазйик бўлмаганлиги, ярашув судланувчи ва жабрланувчининг хоҳишлари билан бўлаётганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ярашувга тушишини инобатга олиб, А.Сайдалиевга нисбатан юритилган жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни лозим топади.

Шунингдек суд, жабрланувчи А.Пўлатовга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлагандан сўнг улар мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтиришни лозим деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддасининг 4-қисми, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И :

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан судланувчи



Сайдалиев Аъзамжон Мансурович (Saydaliyev A'zamjon Mansurovich), ЖКнинг 66¹-моддасига асосан жавобгарликдан озод қилинсин, мазкур жиноят иши ЖККнинг 84-моддаси 4-қисмига асосан иш юритишдан тугатилсин.

А.Сайдалиевга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Жабрланувчи А.Пўлатовга Ўзбекистон Республикаси ЖККнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлагандан сўнг улар мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотиши тушунтирилсин.

Ажримдан норози тараф ажрим эълон қилинган кундан бошлаб шу суд орқали Фарғона вилоят судига ўн кун ичида апелляция тартибида, ажрим қонуний кучга киргандан сўнг кассация тартибида, шикоят бериш ва протест билдиришга ҳақли.

Раислик қилувчи: (имзо)

Ш.Мирзакиров

Ажрим нусхаси аслига тўғри.

Жиноят ишлари бўйича

Ўзбекистон туман судининг раиси:

Ш.Мирзакиров

